

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

БЕТАКРОР САЊАТКОР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

БЕТАКРОР САНЪАТКОР

Шукур Бурхонов таваллудининг 100 йиллиги
муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2010

78.342

Б 63

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	М. Матмурадова
Муҳаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Бетакрор санъаткор: Шукур Бурҳонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан: метод.-библиогр. қўлланма /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М. Матмуродова; Муҳаррир Ж. Қўнишев; Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. – *** б.

КБК 78.342+85.334.3(5Ў)+85.37(5Ў)

Ушбу методик-библиографик қўлланма таниқли театр ва кино актёри Шукур Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган. Қўлланма актёр ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда мутахассислар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

МУҚАДДИМА

Шукур Бурҳонов актёрлик маҳорати борасида том маънода ўз мактабини яратган санъаткор эди.

Ўзбек театр ва кино санъатида Ҳамлет, Брут, Мирзо Улуғбек, Шох Эдип, Қора Ботир, Ялангтўш каби ўлмас образларни яратиб, тириклигидаёқ ўзига хайкал ўрнатган Шукур Бурҳонов ўзбек миллий санъатимиз тарихида ўчмас из қолдирди.

2010 йил 15 сентябрда Шукур Бурҳонов таваллудига 100 йил тўлди. Ўзбек халқи бу санани кенг нишонлади, чунки таниқли театр ва кино актёри ижоди кўпчиликни мафтун этиб келган, у ўйнаган образларига юксак баҳо берилган.

Оддий томошабин, санъатсевар халқимиз Шукур Бурҳоновни ижро этган роллари орқали ўзининг энг яқин кадрдони, маслаҳатгўйи, ўзига илҳом ва ибрат улашувчи, ўзини фаолликка ва ҳушёрликка чорловчи мумтоз санъаткор деб биларди, севарди ва ардоқларди.

Китобхонлар орасида Шукур Бурҳонов ижодини кенг тарғиб қилиш учун кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари театр ва кино актёри ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари, адабий-бадиий тадбирлар, театрлашган адабий кеча, давра суҳбатлари, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этишлари лозим.

Бундан ташқари, мавзунинг моҳиятини ва бугунги ўрнини чуқур очиб бериш учун филологлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъатшунослар, театршунослар, театр ва кино актёрлари ҳамда санъаткорларни жалб қилиш керак.

Шунингдек, Республика маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари, киностудияларнинг ходимлари, Ўзбек миллий академик драма театри вакиллари билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат берамиз.

Шукур Бурхонов ҳаёти ва ижодига бир назар (1910–1987)

Таниқли театр ва кино актёри Шукур Бурхонов 1910 йил 15 сентябрда Тошкентда боғбон оиласида дунёга келди.

Шукур Бурхонов бошланғич мактабни биташиб, Тошкент кишлоқ хўжалик техникумига кирди. Бундан ташқари, ўқиш давомида бадантарбия тўғараги ҳамда бадиий тўғарақларга фаол қатнашди. Сўнгра ўша вақтда “Кўк кўйлақ” номи билан ёшлар орасида ташкил этилган хаваскорлар труппасида ишлади.

У 1928 йилда Самарқандга бориб, Ўзбек давлат театрига актёр бўлиб ишга кирди. У ерда эса театр бош режиссёри Алексеев қўлида Шоҳидахоним ва Карим Закирий билан бирга 6 ой ўқиди. Бу ўқиш даврида актёр хунари (усталиги)нинг асосий ўзига хос хусусиятлари билан умумий тусда танишди.

1930 йилда Москвада бўлган театр олимпиадасига бориб қатнашиш Шукур Бурхонов учун кўп фойдали бўлди. Бунда ўша давр театрчилигининг яхши намуналари билан танишиш имкониятига эга бўлди, унинг сахнага муҳаббатини ошириб юборди, шу билан бирга, актёрлик санъати зўр қобилият талаб этувчи оғир иш эканини чуқурроқ англади. Шукур Бурхонов бу олимпиадада Мейерхольд постановкаларидан “Лес”, “Мандат” ва бошқаларни, “Гуржистон” театрида “Анзор” ва “Ламара” номли пьесаларни томоша қилди.

Бу спектакллар Шукур Бурхоновнинг театрга севгисини ошириш билан бирга, чинакам артист бўлиши учун ўқиш, ўрганиш, ғайрат қилиш, тинмасдан изланиш кераклигини равшан кўрсатиб берди.

Шукур Бурхоновнинг театрчилик соҳасида кўрган бошланғич мактаби ўша Самарқанддаги олти ойлик дарс ва Москвадаги олимпиада бўлди.

Берилган маълумотларга кўра Шукур Бурхоновнинг илк маротаба ўйнаган роли 1929 йилда “Икки коммунист”даги Дехқон образи бўлган. Шундан кейин “Ковайн оҳангар”да Кова ролида, “Бағоват” (“Мятеж”)да Каравай ва Матрос ролларида чиққан. Булар ичида энг муваффақиятли чиққани Матрос роли

бўлган. Шукур Бурҳонов бу образни ўзи севиб ўйнаган, унинг жанговарлик руҳини тўла ёритиб бера олган.

1932 йилда Умаржон Исмоиловнинг “Рустам” асари билан Шукур Бурҳонов ижодининг янги даври бошланди. Рустам образи уйдирма ва турмуш ҳақиқатидан узоқ бўлса ҳам, Шукур Бурҳонов уни бирмунча муваффақият билан ўйнади.

Кейинчалик сахна юзини кўрган “Ёндирамит”, “Ўт келини”, “Тарих тилга кирди”, “Қўзибулок”, “Макр ва муҳаббат”, “Маликаи Турондот” каби спектакллар Шукур Бурҳонов ижодий салоҳиятининг камол топишида муҳим ўрин тутди.

Шукур Бурҳонов II жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда ҳарбий саркардалар образини яратишга алоҳида эътибор берди. Иззат Султоннинг “Бургутнинг парвози” пьесасидаги Фрунзе, Комил Яшиннинг “Генерал Раҳимов” асарида Собир Раҳимов каби образлар шулар жумласидандир. У ижодий қаҳрамонлар образларини яратиш билан бир қаторда салбий қаҳрамонлар образини ҳам катта маҳорат билан ижро этди.

Ўтган асрнинг 50–60-йилларида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида жаҳон ва ўзбек мумтоз драматургиясининг бир қанча ноёб асарлари катта муваффақият билан сахналаштирилди. Уларнинг аксариятида бош ролларни ижро этиш Шукур Бурҳоновга насиб этди. Унинг ижросидаги В. Шекспирнинг “Ҳамлет” ва “Юлий Цезарь” трагедияларидаги Ҳамлет, Брут ва Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясидаги Мирзо Улуғбек образлари фақат санъаткор ижодидагина эмас, балки ўзбек театри тарихида ҳам улкан воқеа бўлди.

Шукур Бурҳонов Мирзо Улуғбек образи устида ишлаганда тарихий Улуғбек қиёфасидаги бир-бири билан чамбарчас боғланган уч томон – инсон, олим ва давлат арбоби каби хусусиятларни ҳаққоний акс эттиришга алоҳида эътибор берди ва бу борада катта муваффақиятга эришди. Улуғбек образи актёрнинг ўзбек сахнасида ўйнаган кўп ажойиб образларининг бири бўлиб, у томонидан яратилган Ҳамлет образи даражасида туради. 1964 йилда Ҳамза номли отахон театр Москвага

гастролга бориб М. Горький номидаги театрда “Мирзо Улуғбек”, “Имон” ва “Қонли сароб” спектакллари намойиш этди. Бу сахна асарлари томошабинларга манзур бўлди, таниқли театршунос, санъатшунос олимлар томонидан ижобий баҳоланди. Бу спектаклларнинг муҳокамасида Шукур Бурҳонов ижро этган Мирзо Улуғбек образига юксак баҳо берилган эди.

Улуғбек образини яратган трагик роллар ижрочиси Шукур Бурҳоновга хос бўлган қаҳрамонлик романтикаси, поэтик талқинлар, чуқур психологик мазмун ҳамда қаҳрамон қалбида қолувчи теран ички жараёнларнинг ёрқин ифодасида, эҳтиросли ва кўтаринки ижросида вазминлик, жанговарлик оҳанглари кучаяди. Улуғбек сахнасида қаҳрамонлик романтикаси услуб тимсолига айланган ёрқин туйғулар, қудратли ва жиловсиз эҳтирос соҳиби бўлган санъаткор қаҳрамонига алоҳида ички салоҳият ато этади, унинг фикр-мулоҳазаларига тиниклик, теранлик ва фалсафий мазмун бағишлайди. Улуғбек образи орқали дунёни эзгулик ва тафаккур билан ўзгартириш мумкин деб ишонган инсон фожиаси кўрсатилади.

Улуғбекнинг ҳақиқат излаб чеккан изтиробларини Шукур Бурҳонов матонатли соддалик ва ўткир тафаккур билан ўзида мужассам этади. Айниқса, жамики фаолияти беҳуда эканлигини Улуғбек онаси Гавҳаршодбегим билан кечадиган сахнада чуқур англайди. Сўқир куч мужассам бўлган онада Улуғбек фаолиятига нисбатан ошкора нафрат бор эди. Улуғбек ўз онаси унинг бешафқат душмани эканлигини афсус ва надомат билан эслайди. Ўзига ўғли Абдулатиф қурол кўтарганида матонат ва иродасини намоён этади. Иззатталаб падаркушга Улуғбек ғазаб ва нафратини сочади, унинг юмшоқ ва раҳмдил юрагида аждодларнинг жанговар руҳи, бобоси Темурнинг бешафқат аёвсиз қалби уйғонади.

1960 йилнинг 24 апрелида Софоклнинг “Шоҳ Эдип” асаридаги Эдип оразини Шукур Бурҳонов яратишга эришди.

Спектаклнинг энг мақтовга сазовор жойларидан бири асар бош қаҳрамони Шоҳ Эдип образининг бекаму кўст, тўғри ҳал қилинишидир. Халқимизнинг улкан санъаткори Шукур Бурҳоновнинг мўъжизакор ижрочилик санъати спектакль

муваффақиятини ва унинг тақдирини белгилаган. Таъриф жоиз бўлса, бу спектаклни тўла равишда “Шукур Бурҳонов спектакли” деб атамоқ мумкин.

Шунингдек, бу образи билан Шукур Бурҳонов бетакрор санъаткор, олмос истеъдод эгаси эканлигини яна бир бора амалда кўрсатди ва у жаҳон театрининг йирик намояндалари каторидан ўрин олди.

Шоҳ Эдипдек ҳар жиҳатдан мураккаб ва монументал трагик образни яратишда актёрга чуқур ижодий изланиш олиб боришга, асарнинг ғоя ва фалсафасини синчиклаб таҳлил қилишга, характер психологиясини ҳаққоний ифодалашга, юксак нафосат билан Эдип монолог ва диалогларида шеърининг гўзаллигини бера билиш билан бирга, ҳар бир сўзнинг маъзини очишга эришиш, ҳар бир калимага тўғри оҳанг ва интонация топиш учун кўп ишлашга тўғри келган...

Актёр спектаклнинг биринчи кўринишидаёқ ўз қаҳрамонининг шавқатли ва улуғвор шоҳ, халқпарвар ва одил инсон, тадбиркор ҳукмдор сифатида тасвирлайдики, биз буни актёрнинг кучли руҳий кечинмалари билан изҳор қилган сўзларидан ҳам билиб оламиз:

Бахтсиз норасидалар, кўриб турибмиз:
Чексиз азобда, изтиробдасиз,
Аммо биронтамиз менчалик ёнмас,
Менчалик тортмагай унинг дардини,
Шаҳрим деб оташда қалбим тўлғонар,
Сизни деб тўлғонар оташда қалбим.

Сўз билан дурнинг сифатини изоҳлаб бўлмаганидек, Шукур Бурҳонов яратган Эдип образининг камолотини ҳам таърифлаш ниҳоятда қийин.

У меҳнатсевар, масъулиятли, ўзига ҳам, ҳамкасблари ва шогирдларига ҳам ниҳоятда талабчан эди. Шукур Бурҳоновнинг ижоди фалсафий жиҳатдан бой ва кўп қирралидир. У романтик, лирик характерли ва сатирик роллар ижросида ҳам баравар маҳорат кўрсатган. Бу ўринда, у яратган Н. В. Гоголнинг “Ревизор” комедиясидаги шаҳар ҳокими ролини эслаш кифоя. Актёр психологик ва ўткир драматик ролларни катта маҳорат билан ижро этишга жуда уста эди. Чеховнинг “Ваня тоға”

асаридаги Войницкий, Штейннинг “Шахсий иш” пьесасидаги Хлебников образлари шундай образлардандир.

Шукур Бурҳонов ижодидаги Сулаймон ота образи ўзининг миллий характери билан ажралиб туради. Бир пайтлар урушга кетаётган Нўмон Назаровдан омонат олиб қолган покдамон ота уни бутун фронт ўтган йўллар бўйлаб қидиради. Изларини излайди. Шундай қилмаса бўлмайди, чунки зиммасида “қиёмат қарз” бор. Асар номининг шунга индалло этилишининг сирини ҳам шунда.

Шукур Бурҳонов ижросидаги Сулаймон ота образи актёрлик санъати ривожланишидаги босқичли образлар сирасига киради. Сулаймон ота образини чинакам миллий ижод бўлиб қолган, ўзида ватанпарварлик, байналмилаллик, инсонпарварликнинг туб фазилатларини мужассамлаштирган ҳаракатлар қаторига қўйиш мумкин.

Шукур Бурҳонов яратган Сулаймон ота образи нафақат ҳалолликнинг, балки олижаноблик ва эзгуликнинг тимсоли бўлиб гадаланади. Унинг бахтсизликка учраган аёлга далда бўлиши, оилавий келишмовчиликнинг захмини тортаётган йигитга хайрихоҳлик билдириши образнинг умумий “мен”лигини кўрсатиб туради.

Шукур Бурҳонов кино санъатимиз ривожига ҳам жуда катта ҳисса қўшди. У “Ўзбекфильм”, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ҳамда “Мосфильм” киностудияларида суратга олинган қатор фильмларда рангоранг, сира ҳам унутилмас, ўткир характерли етук ва салобатли образлар яратиб, кино санъати муҳлисларининг улкан муҳаббатини қозонди ва санъатнинг ушбу жабаҳасида ҳам улар боқийликка юз тутди.

У кинода биринчи марта 1940 йилда суратга олинган “Асал” бадийий фильмида Рустам ролини ижро этди. Шунингдек, жаҳон экранида кенг шуҳрат қозонган, ярим асрдан бери кадр-қимматини йўқотмаган “Тоҳир ва Зухра” бадийий фильмидаги Қора Ботир роли актёрга катта шуҳрат келтирди. Уни кенг жамоатчиликка иқтидорли санъаткор сифатида танитди. Сўнгра актёр 1946 йилда “Уйқусиз йўл” фильмида Рустам, 1950 йилда

“Бой ила хизматчи”да Гафур, 1957 йилда “Бахт йўли”да Каримов, “Илья Муромец”да Қалиншоҳ, 1972 йилда “Синчалак”да Қаландаров каби образларни яратди. 1964 йилда кинорежиссёр Латиф Файзиев “Улуғбек юлдузи” фильмини суратга олди. Фильмда Шукур Бурҳонов яратган Мирзо Улуғбек образи актёрнинг кинодаги энг катта ютуғи бўлди. Кейинчалик, у 1965 йилда Комил Ёрматовнинг “Осиё устида бўрон” фильмида Ялангтўш, 1966 йилда “Виждон амри билан” фильмида профессор Маҳмудов, 1968 йилда “Инқилоб чавандозлари”да Азнауз, “Ватан фарзандлари”да ҳайкалтарош каби бир неча йирик ва мураккаб ролларни ижро этди.

Шукур Бурҳоновнинг ижодий фаолияти муносиб тақдирланди. Шукур Бурҳоновга “Ўзбекистон халқ артисти” (1940) фахрий унвони берилган. Шунингдек, у Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1965) билан тақдирланган.

Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшганлиги, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз мънавиятининг юксалишига бахш этганлиги учун Шукур Бурҳонов 2001 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Машҳур кино ва театр актёри, ўзбек санъатининг улкан арбоби Шукур Бурҳонов 1987 йил 14 августда Тошкентда вафот этди.

“Саҳнада яшаш керак!..”

Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳон ўғитлари

Актёр, умуман, ижодкорда ички меъёр ҳисси бўлиши керак. Бу меъёр ҳисси – мезон, ижодкорнинг тошу тарозусидир...

* * *

Дунёга Аброр Ҳидоятондек актёр қайтиб келмайди. У саҳнага чиқадиган кун, отаси тирилиб келса ҳам, ортиқча гап қўшмас, эрта тонгдан ўша образ руҳи ва қиёфасига кириб яшар

эди. У сахнага бор кучи билан ташланадиган санъаткор эди. Яъни, Миртемир айтмоқчи, Аброр Ҳидоятов сахнага чикса гўё: ... кўкдан чакмоқ тушарди.

Анов-манов одамнинг сочига оқ тушади!..

Мен унинг қаватида эдим. У кишига изма-из борган билан, ижодда ўз йўлим, услубим бор эди. Қолаверса, хаддимни билардим...

* * *

Оғадан (М. Уйғур) босиқликни, ҳиссиётни жиловлай билишни, овоз оҳангларига қунт билан ишлов беришни, Етим ака (Е. Бобожонов) дан синчковликни, яъни ҳаётни ўрганишни, Аброр акамдан (А. Ҳидоятов) жўшқинликни, вокеликни томошабинга етказишдаги куч-ғайратни, шижоатни ўргандим...

* * *

Сахнада роль ўйнашмас, яшаш керак! Сен “артист” эмас, актёрсан! Шунга эсан чиқарма!

* * *

Артистда талант бўлиши мумкин. Хусн, чирой, қадди-комат... Лекин “обояния” (одамни ўзига тортиш кучи, жозоба) бўлмаса, ҳаммаси бир пул!...

* * *

Очикчасига гаплашайлик, ҳар бир инсон каби мен ҳам шуҳратни яхши кўрардим. Менга мол-дунё, ҳузур-ҳаловат керак эмасмиди?!

Навқирон ёшимда мен ҳам радио, телевидение ва кино бўйлаб зир югуриб, муқаддас ижод йўлига сафарбар этилган умримни гоҳ арзон-гаров йўқотиб, керагича пул ва “шуҳрат” топишим ҳамда фароғатда яшашим мукин эди.

Сахна бизга осонликча бўйсунганми? Аксинча, кийинчиликларни, ҳар қанча иқтисодий тангликни биздан сўранг!..

* * *

Москва Бадий театрининг спектакллари кўплар катори мен учун ҳам ўзига хос университет бўлди. Рубен Симонов, Михаил Кедров, Иван Берсенев билан дўстлигим менинг ижодий биографиямда сезиларли из қолдирди.

Биз бир-биримизнинг муваффақиятларимиздан, театр, кинодаги ютуқларимиздан қувониб яшардик...

* * *

Артист деган зот шу нарсани билволиши керакки, бу – ёниш деган нарса йўқ жойдан вужудга келмайди. Бунинг учун замоннинг, халқимизнинг юрагига, туйғуларига чуқур кириб бориш, уларнинг дарди-қувончларини қалбдан кечириб, ҳаётий қилиб ифода этиш керак бўлади.

Эллик йилдан зиёд вақт ичида сахнада ва кинода ўйнаган ролларим ичида мен учун, айниқса, бировларнинг дардига, ташвишига лоқайд қарамаган, юраги ҳамма учун очиқ бўлган кишиларнинг образлари мен учун ардоқлидир...

Мен билан гаплашаётганингиз учун Азнаур полвонни дуруст дегандек бўляпсиз. Юз-хотиримни қилмай гапиравуринг. Бўшми, образ? Бўш? Нега ўйнадингиз денг, мен жавоб бераман. Ёрматов қўймаганди. Ҳар якшанба куни уйимга келарди. “Сенсиз кино олмайман” дерди. Менинг: “ахир сценарий бўш-ку!” – деб жаҳлим чиқса, у “Шукур, мен бирон марта сценарий бўйича фильм олганимни биласанми? Сценарий ўзгаради, бойитаман. Зўр бўлади”, – деб туриб олди. Бир гал ўша заиф сценарийнинг муаллифларидан бири, каттаконроғини ҳам бошлаб келди. Шунда мен сценарийни бироз танқид қилгандим, бир-икки таклифимни айтгандим, тутакиб кетди. “Ты тоже писателем стал что-ли?” – деб кесатди. “Боре”, – дедим-у, аралашмадим. Оқибат, мана шунақа бўлиб чиқди... Сценарий пухта бўлиши керак, режиссура зўр бўлиши керак! Актёр уни ўзининг ижроси билан бойитади...

Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурхонов хақидаги ёдномалар

Бир куни “Мирзо Улуғбек” спектаклидан кейин Шукур акани уйларига кузатаётди:

– Нега “Жалолиддин Мангуберди” спектаклини тиклашмайди? Ахир, бизнинг авлод кўрмаган-ку? – деб сўрадим. У киши узоқ сукут сақлаб:

– Ким билади, менам шунга хайронман, - деди-да, кейин кўшимча қилди:

– Мана, Р. Симонов Петр I, А. Черкасов Иван Грозний образларини экранда қойил қилиб яратишди. Қани энди, Шайх (Шайхзода демади) Амир Темур ҳақида пьеса ёзса-ю, мен сахнада ўйнасам, – деди оғир хўрсиниб.

Афсуски, Шукур ака бу орзусига етолмади. Ким билади, мустақиллик туфайли ҳозирги оламшумул ўзгаришлар Шукур ака ҳаётлигида юз берганда, у сахнадами ё экрандами, Амир Темур образини яратиб, миллионлаб мухлислари қалбида ўзига яна бир ҳайкал ўрнатиб кетармиди?

Ҳ. Рўзиматов

Шукур акам ўз ижодий фаолиятида жуда кўп машҳур тарихий шахслар образлари тизмасини яратди. Улар турли даврлар, турли замонларда яшаб, турли тақдирга эга бўлишига қарамай, артист ижодхонасида ўзининг муносиб талқинини топди.

Убай Бурхон

Шукур ака ўта дилкаш, камтарин, захматкаш, бағри кенг, айниқса, ёш ижодкорларга ҳаётдаги, санъатдаги тажрибасини беминнат улашишда саховатли бир зот эди. У оилада ҳам ўта одамий эди, умр йўлдоши, фарзандларини жуда яхши кўрарди. Эсимда, қизчаси кино съёмка вақтида фожиали қазо қилганида ҳам, ўғли оғир касаллик туфайли оламдан кўз юмганида ҳам куйиб кетганидан эгилиб қолгани... Аммо иродаси жуда

бақувват бўлган санъаткор шунда ҳам театрга боришни, роль ижро этишни сира канда қилмади. Қадди эгилса-да, иродаси асло букилмади, у сахна меҳробига сажда қилишда давом этаверди...

Б. Насриддинов

Мана, орадан анча йиллар ўтди. Энди орамизда Шукур Бурҳонов йўқ. Мен уни миннатдорлик билан ёдга оламан ва бир театршунос сифатида шундай буюк инсон билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганим учун ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

М. Қодиров

Улкан актёрнинг болаларга беғуборлигини кўриб, ҳаётда ҳам, сахнада ҳам бирдай қуюнчак, илиқ қалб, самимий юрак, буюк фазилат, камтарона ҳислат эгаси эканликларига тасанно айтаман. Ана шундай буюк ўзбек актёрининг дуосини олганлигим, суҳбатларидан баҳраманд бўлганлигим, йигирма уч йилдан бери Муқимий номидаги мусиқали театрдаги актёрлик фаолиятимда асқотяпти. Санъат олийгоҳида бўлажак мусиқали актёрларга таҳсил берарканман, буюк актёр Шукур Бурҳоновнинг сўзларини тез-тез такрорлайман. Ҳеч қачон сахнага хиёнат қилмайман, қилмаганман ҳам. Талабаларга ҳам шундай фазилатни сингдиришга интиламан. “Шукур Бурҳонов – ўзбек театр санъатининг қитъаси” эканлигини ҳар доим айтишдан чарчамайман.

Б. Холмирзаев

Шукур аканинг таъкидлашича, артист она тилида қанча кам сўзлашса, нутқи ғализлашиб, ширасиз бўлиб қоларкан ва оқибатда томошабинни ром этолмас экан. Томошабиннинг қалбига йўл топиш учун тоза нутқ энг асосий восита вазифасини ўтар экан. Албатта, ўша даврлардаги ижтимоий муҳит ва сиёсий кишилар онгида шундай бир тасаввурни пайдо қилгандики,

натижада кишилар аста-секинлик билан ўз миллий тилини шунчаки “бозор тили” деб камситиш, урф-одатлари ва эътиқодларидан узоқлашиш даражасига бориб етганди.

Бобониёз Қурбон

У кишининг дўстлари, мухлислари жуда кўп эди. Эсимда бор, бир йили Шукур аканинг уйида ўтирганимизда, мен унга бағишланган шеърлар асосида телевидениеда алоҳида кўрсатув тайёрлашни таклиф қилдим. Чунки унга бағишлаб ёзилган шеърлар ҳавас қиларли даражада кўп ва хилма-хил эди. Афсуски, бу ният амалга ошмай қолди...

Рафаэл Тоқтош

Шукур Бурҳонов юксак маҳорати билан дунёга машҳур бўлди. Айниқса, уни рус актёрлари юқори баҳолашар эди. “Илья Муромец” фильмида бош ролни таниқли рус актёри Борис Андреев ўйнаган. Шукур ака шоҳ образини ижро этган эди. Биринчи лавҳа олинаётганидаёқ унинг маҳоратига тан берган Борис Андреев режиссёрга мурожаат этиб, Бурҳонов ижро этаётган ролни орқа ўринга олишни талаб қилади. Дарҳақиқат, агар Шукур Бурҳонов ижро этаётган роль катта кўламда олинаверса, Илья Муромец роли Шукур Бурҳонов маҳорати соясида қолиб кетиши мумкин эди. Буни бош роль ижрочиси тўғри пайқаган. Шукур Бурҳонов шўро йиллари даврида икки маротаба ўша вақтдаги адабиёт ва санъат соҳасида бериладиган юксак мукофотга сазовор бўлган эди. Ҳамза театрида қўйилган спектаклдаги роллари Москвада муҳокама этилганида бир катта театршунос унинг ижоди кўп қиррали эканини бадиий баҳолаш учун “безразмерный диапазон” деган иборани ишлатган эди. Орқа қатордаги стулда ўтирган Шукур ака ёнидагиларга ҳазиломуз: “Мени безразмерный пайпоққа ўхшатяптими?” – деб ҳаммани кулдирган эди. У кўпинча бошқаларга шундай кайфият улашиб юрар эди. Чунки у ҳассос қалбли одам эди.

Зикир Муҳаммаджонов,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Буюк ва оддий инсон

Шукур акадаги оддийликни, жайдалиликни бир неча мисолда таъкидлагим келади. У сахнада ҳам, кинода ҳам роль ижросига тайёргарлик кўрар экан, оддий кишиларнинг маслаҳатига кулоқ солар эди. Бу унинг оддийлигиданми ё уларнинг самимийлигига ишонганиданми, билмасдик.

Маълумки, у киши Отелло ролини бир умр тайёрлаб, ижро этолмай ҳаётдан ўтиб кетди. Бунинг сабаби ҳам кўпроқ унинг ўзигагина маълум эди.

Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаевдан кейин Гамлет ролини ижро этган Шукур ака, айна чоғда, бунга кўп йиллар тайёргарлик кўрган. Ҳатто бадиий кенгаш роль тайёр бўлибди, деганда ҳам у ҳали Гамлет ролини сахнага олиб чиқмаган. Кунлардан бир кун “Гамлет” спектакли қўйилиши керак эди-ю, ижрочи Олим Хўжаев Москвадан етиб келолмаслиги аниқ бўлгач, раҳбарлик Шукур Бурҳоновдан ролни ижро этишни илтимос қилганида, у “йўқ” деб оёқ тираб олган эди. Аммо ўша кунги “Гамлет” маълум меҳмонлар учун бўлгани туфайли ўзгартириш мумкин эмас эди. Раҳбарлар нима қилишини билмай турганида, сахна ишчилари келиб Шукур Бурҳонов Гамлетни ижро этади дейишган. Чунки раҳбарларга “йўқ” деган актёр ўша заҳотиёқ сахна ишчилари олдига келиб ўйнайми, деб сўраганда, улар “ўзингни кўрсат, Шукур Бурҳон”, дейишган. Бундан илҳомланиб кетган актёр ролни қойилмақом ўйнаган. Шукур Бурҳон ана шундай дилбар, самимий ва буюк қалб билан оддий инсонларга хос яшади.

Пўлат Мўмин,
Ўзбекистон халқ шоири

Шукур Бурҳон, Шукур Бурҳон...

Зоти поки – ўзбек ўғлон,
Театри – сарой-қўрғон,
Сўзламасдан бирон ёлғон,
Довруғ сурғон
Шукур Бурҳон.

Гоҳ Улуғбек, гоҳ Ялангтўш,
Бўлса ҳамки бургутзот қуш,
Кўнгли эди гўдакдай бўш,
Локин полвон –
Шукур Бурҳон.

Барчага тенг бахт тиларди,
Ёмонни ҳам яхшиларди,
Бу савобни ким қиларди?
Асл инсон –
Шукур Бурҳон.

Севар эрди кўп шогирдин,
Енгиллатар дилда дардин,
Артиб қўяр киприк гардин,
Энг меҳрибон –
Шукур Бурҳон.

Санъат тахти узра етиб,
Бўла олди у Шох Эдип...
Саҳналарда парвоз этиб
Топганди шон
Шукур Бурҳон.

Кўтармади асло бурнин,

Йўқотмади обрўй-бурдин.
Эл қалбидан топди ўрнин,
Аҳли даврон –
Шукур Бурҳон.

Кимлар уни унутдилар...
Ўта қабих йўл тутдилар.
Аммо кўплар гул тутдилар,
Урди жавлон –
Шукур Бурҳон.

Туғилганди санъат учун,
Сарф айлади умру кучин,
Алангалар сочган учкун –
Ёнар ҳамон
Шукур Бурҳон.

Мўмин сўзни дилдан чизар,
Улуғларни эл еткизар.
Санъат деган боғда кезар
Шукур Бурҳон,
Шукур Бурҳон...

**“Саҳнамиз сардори Шукур Бурҳонов ҳаёти ва
фаолиятини биласизми?” мавзусида билимдонлар
беллашувини ташкил қилишга доир тавсиялар**

Беллашувни ўтказишдан мақсад Шукур Бурҳонов ижоди, таржимаи ҳоли, театр ва кино актёри сифатида яратган образлари, у ҳақидаги нашр этилган асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8–10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга, асосан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, шунингдек, маданият, санъат коллежлари ва

институтларнинг талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволларни икки гуруҳга мўлжаллаб тузиб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини санъатшунос ва театршуносларнинг Шукур Бурҳонов ҳақида ёзган асарларига ва илмий ҳамда бадиий асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган АКМ ва АРМ, кутубхоналарда Шукур Бурҳонов ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз:

1. Актёрнинг дастлабки роллардаги образларини айтиб беринг?

(Комил Яшиннинг “Тор-мор” пьесасидаги Баҳодир, Умаржон Исмоиловнинг “Рустам” асаридаги бош қаҳрамон, “Ёндирамиз”даги Азамат, “Номус ва муҳаббат”даги Гулом роллари актёр ижодининг дастлабки намуналаридан бўлди).

2. Режиссёр Л. Файзиёвнинг “Мосфильм”да суратга олинган “Амирликнинг емирилиши” фильмида Шукур Бурҳонов қайси ролни ижро этган?

(“Амирликнинг емирилиши” фильмида Шукур Бурҳонов Иброҳим ўғри ролини ижро этган).

3. Ушбу келтирилган парча кимнинг асаридан олинган?

“Шукур Бурҳонов... бу буюк актёрнинг яратган образлари, ижодий изланишлари ва ҳаётдаги ўзига ярашиб турган ҳаракатлари ҳақида билганларимни гапириб, юрагимни бўшатиб олсам дегандим. Шукур Бурҳонов ҳаётда шундай қизиқ-қизиқ воқеаларга сабабчи бўлар эдики, айтсам, ишонгингиз келмайди. Вақти келиб ўша воқеалар ривоятга айланиб, оммалашиб кетса ажаб эмас. Нега деганда, у мўъжизакор истеъдод эгаси эди: санъатга қадам қўйганимга энди бир неча йил бўлганида, “Баҳодир” номли спектаклда бош қаҳрамон ролини ижро этди ва

спектакль намойишига келган ҳукумат аъзоларини азбаройи тўлқинлантириб юборгандан, Усмон Юсупов актёрни бағрига босиб, залда ўтирган ўша вақтдаги ижроқўм раиси Йўлдош Охунбобоевга: “Эртагаёқ унга “Ўзбекистон халқ артисти” унвони берилиши ҳақида фармон тайёрланг”, – деган эди”.

(Юқорида келтирилган парча Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджоновнинг “Сирли қалб” эссесидан олинган).

4. Шукур Бурҳонов “Сирли тунлар” номли фильмда қайси ролни ўйнаган?

(Шукур Бурҳонов “Сирли тунлар” номли фильмда жарроҳ Соҳиб Ниёзий ролини ўйнаган).

5. Ушбу келтирилган хотираларнинг муаллифи ким?

“Бир куни оға ҳикоя қилдилар:

– “Илья Муромец” бадий фильмида мен билан ўйнаган машҳур киноактёр Борис Андреев шундай деб қолди: “Шукур, сен Иброҳим ўғри, Қора Ботир ролларини экранда ижро этиб, катта муваффақият қозондинг. Мана, Қалиншоҳ образини ҳам гавдалантириб бердинг. Энди, биласанми, сен Чингизхон ролини ўйнашинг керак. Чингизхон! Уни бутун дунё билади. Нақ оламга машҳур образ бўларди-да”. Мен унга эътироз билдирдим. “Йўқ! Мен Чингизхон ролини ўйнамайман. Мен Чингизхонни юртимиздан қувган Жалолиддин Мангуберди ролини ижро этганман. Улар бир-бирини инкор этадиган тарихий сиймолар. Энди, Худо насиб этса, Амир Темур ролини ўйнайман. Сен уни биласанми, Чингизхондан ҳам буюк, соҳибқирон Амир Темур! Биласанми, Борис, дунёнинг ярмидан кўпини забт этган у. Рус тупроғида Волгагача етиб борган. Аммо Москвага, русларга тегмаган. Борис, қолаверса, менинг бир армоним бор. Оҳ, қани эди, Южин О’Нил (Америкалик драматург)нинг “Қайрағоч тагидаги муҳаббат” драмасидаги чол – Кебот ролини ижро этсам...”

(Юқорида келтирилган парча профессор Эркин Умаровнинг “Саҳна ортидаги ҳаёт” мақоласидан олинган).

6. Шукур Бурҳоновнинг укасини биласизми?

(Шукур Бурҳоновнинг укаси Убайдулла Бурҳонов 1921 йил 2 мартда Тошкентда таваллуд топган. У – актёр, режиссёр,

бадий сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби).

7. Брут образида муҳрланган бюст ким томонидан ишланган?

(“Юлий Цезарь” спектаклидаги Брут образида муҳрланган бюст ҳайкалтарош А. Ванякин томонидан ишланган).

Беллашув якунида ҳакамлар гуруҳларга қўйилган балларни эълон қиладилар. Ҳакамлар ҳайъатига адабиётшунослар, театршунослар, санъатшунослар, кинодраматурглар, режиссёрлар, журналистлар, адабиёт ва санъат билимдонлари таклиф этилади. Ҳолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

**“Шукур Бурҳонов таниқли театр ва кино актёри”
мавзуида китоб-расми кўргазмани ташкил этиш
учун материаллар**

Таклиф этилаётган кўргазма ахборот-кутубхона маркази (АКМ) ва ахборот-ресурс маркази (АРМ) ҳамда кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Шукур Бурҳонов ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

У меҳнатсевар, масъулиятли, ўзига ҳам, ҳамкасблари ва шогирдларига ҳам ниҳоятда талабчан эди. Шукур Бурҳоновнинг ижоди фалсафий жиҳатдан бой ва кўп қирралидир.

Ў. Шокиров, М. Абдуқундузов

Бу бўлимга Шукур Бурҳонов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги нашрлар қўйилади.

2. Саҳна сардори

Вақт ўтган сари улкан санъаткор Шукур Бурҳоновнинг санъатдаги ўрни, актёр ижодининг биз сезмаган қирралари янада ёрқинроқ кўринмоқда.

Э. Умаров

Бу бўлимда Шукур Бурҳоновнинг театр саҳналарида ўйнаган роллари ҳақидаги нашрлар ва вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган материаллар намойиш этилади.

3. Уммондаги улкан кема

Шукур Бурҳоннинг ёруғ жаҳонни тарк этганига ҳам йигирма йилдан ошди. Лекин унинг сиймоси театр ихлосмандлари, халқимиз қалбидан ўчган эмас. Йиллар ўтган сайин унинг санъатига ҳайрат ошиб бормоқда!

П. Тожибоев

Бу бўлимда Шукур Бурҳонов ҳақидаги хотиралар, ёдномалар, эссе, ҳикоя ва унга бағишлаб ёзилган шеърлар намойиш этилади.

**Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида,
кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган
тадбирлар туркуми**

Китобхонлар конференцияси

1. “Эл севган санъаткор”.
2. “Шукур Бурҳон ижодига бир назар”.
3. “Театр ва кино актёри” каби мавзуларда;
“Шукур Бурҳон – 100 ёшда”, “Истеъдодли актёр”, “Саҳнамиз сардори” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Шукур Бурҳон ўйнаган образларни биласизми?”
2. “Шукур Бурҳон ижодини биласизми?”
3. “Санъат сарвари фаолиятини биласизми?” каби мавзуларда;
“Бағри кенг, ақли теран санъаткор”, “Саҳна устаси”, “Чинакам санъаткор”, “Буюк актёр” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Шукур Бурҳон – машҳур кино актёри”.
2. “Шукур Бурҳон – ўзбек театр актёри”.
3. “Шукур Бурҳон – ўзбек санъатининг улкан арбоби” каби мавзуларда;
“Машҳур актёр”, “Санъат арбоби”, “Бетақрор истеъдод соҳиби”, “Саҳна юлдузи” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Машҳур ўзбек актёри ва санъат арбоби фаолиятини биласизми?”.
2. “Шукур Бурҳоннинг актёрлик фаолиятига бир назар” каби мавзуларда;
“Ёрқин истеъдод”, “Саҳна юлдузи”, “Ардоқли санъаткор”, “Сехрли туйғу садолари” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Вильям Шекспир ижоди – Шукур Бурҳон талқинида”.
2. “Шукур Бурҳон – театр сахналарида”.
3. “Шукур Бурҳон – ўзбек киносида”.
4. “Театр ва кино санъатида Шукур Бурҳоннинг ўрни” каби мавзуларда;
“Истеъдодли театр ва кино актёри”, “Ўлмас санъат”, “Яхшилик чироғи ёниқ” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

“Диспут” ўйини

1. “Чакмоқдек чакнаган санъат”.
2. “Шукур Бурҳон ўйнаган жаҳон, рус, ўзбек драмаларидаги образларни биласизми?”
3. “Шукур Бурҳон – кино оламида” каби мавзуларда;
“Мангу барҳаёт инсон”, “Шукур Бурҳон – актёр”, “Давр билан бирга одим ташлаган санъаткор” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

а) Шукур Бурҳон ҳақида илмий мақолалар ёзган муаллифлар билан:

1. Муҳаммад Абдуқундузов.
2. Ўткир Шокиров.
3. Муҳсин Қодиров.
4. Хидирали Панжиев.
5. Зикир Муҳаммаджонов;

б) У билан театр сахналарида роль ўйнаган санъаткорлар билан:

1. Зикир Муҳаммаджонов.
2. Муҳаммад Абдуқундузов.

3. Яйра Абдуллаева.

4. Ёқуб Аҳмедов;

в) Ўзбек миллий академик театри санъаткорлари билан:

1. Обид Юнусов.

2. Рихси Иброҳимова.

3. Эркин Комилов.

4. Ёдгор Саъдиев.

5. Дилбар Икромова.

6. Теша Мўминов.

7. Саидкомил Умаров;

Хотира ва кадрлаш кечаси

1. “Халқнинг юрагидаги санъаткор”.

2. “Шукур Бурҳон хотираси барҳаёт”.

3. “Халқ қалбида яшайди”.

4. “Оташ эди юраги”.

5. “Санъатга фидо умр”.

6. “Театр ва кино актёри барҳаёт” каби мавзуларда;

“Ёркин юлдуз”, “Эл фарзанди”, “Ўзбекнинг шерюрак ўғлони”, “Санъаткор хотираси барҳаёт”, “Дарёдил инсон”, “Саҳнамиз сарварини хотирлайлик” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида

а) “Шукур Бурҳон ҳаёти ва ижоди” маълумотлар базасини ташкил этиш.

б) “Шукур Бурҳон ижодий меросининг ёшларга тарбиявий таъсири” реферат танлови.

в) “Таниқли театр ва кино актёри” мавзусида иншо танловини ўтказиш.

г) “Унутмас боғим мени” иншо танловини ўтказиш.

Қатнашувчилар: жойлардаги Республика Маънавият тарғибот маркази бўлимлари, “Олтин мерос”, “Маҳалла”, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод”, “Нуроний” каби жамғармаларнинг вакиллари, Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталарининг вакиллари, адабиётшунослар, ёзувчилар, журналистлар, театршунослар, санъаткорлар, театр ва кино актёрлари, мусаввирлар, адабиёт ўқитувчилари, режиссёрлар, адабиёт ва санъат билимдонлари ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2001 й. 22 август //Театр. – 2001. – № 5. – Б. 8.

* * *

Бурҳонов Шукур //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешиқ–Гидрофизика /Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Бобоев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 270–271.

Шукур Бурҳон таваллудининг 100 йиллиги (1910–1987) //Мустақил Ўзбекистоннинг 2010 йилги муҳим ва унутилмас саналари тақвими = Календарь знаменательных и памятных дат независимой Республики Узбекистан на 2010 год: тавсия библиогр. кўрсаткич /Тузувчилар: Қ. Нуримова, Н. Умарова, Н. М. Аҳмедшина ва бошқ. Муҳаррирлар: И.Маминова, Ф.Рўзиева; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий к-наси, Миллий библиография бўлими. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009. – Б. 35–36.

Шукур Бурҳонов (1910–1982) //Шокиров Ў., Абдуқундузов М. Миллий театримиз намояндалари (Мўъжаз ижодий чизгилар). – Т.: Тошкент ислом ун-ти нашриёти, 2002. – Б. 37–40.

* * *

Азизов Т. Соддалиқни яхши ўйнаган даҳо: (Шукур Бурҳонов ҳақида). – Nasaf, 2009. – Б. 45–57.

Акбаров Ҳ. Бағри кенг, ақли теран: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонни хотирлаб] //Тошкент оқшоми. – 2002. – 14 янв.

Акбаров Ҳ. Унутилмас лаҳзалар //Ватанпарвар. – 2000. – 11 нояб.

Акбаров Ҳ. Шукур Бурҳон: унинг ширин ташвишлари, ушалмаган орзулари //Маърифат. – 2008. – 20 авг.

Аҳмад Сирожиддин. Икки буюк истеъдод: [Ҳамза театрининг актёри Шукур Бурҳон ва Чўлпонни хотирлаб] //Театр. – 2008. – № 2. – Б.15–17.

Бердиев Ю. Шукур Бурҳон деганда //Соғлом авлод. – 2000. – 16–17 нояб.

Бурҳон Убай. Армонлари кўп эди, унинг: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонов ҳақида] //Халқ сўзи. – 1995. – 14 сент.

Йўлдошев Ш., Қахҳоров Ш. Шукур Бурҳон: [Ўзбекистон халқ артисти, бетакрор санъаткор Шукур Бурҳонов ҳақида] //Ўзбекистон овози. – 2009. – 25 янв.

Муллахўжаева Р. Театрнинг генерали: [Шукур Бурҳоновнинг ижодий йўли ҳақида] //Жаннат Макон. – 2009. – № 9. – Б. 78–82.

Муҳаммаджонов З. Сирли қалб: эссе //Жаҳон адабиёти. – 2000. – № 3. – Б.142–150. – (Туркий дунё буюклари).

Муҳаммаджонов З. Чинакам санъаткор: [Шукур Бурҳонов ҳақида] //Театр. – 1999. – № 3–4. – Б. 27–29.

Муҳаммаджонов З. Шукур Бурҳон: [Актёрни хотирлаб] //Ишонч. – 2000. – 14 март.

Муҳаммаджонов З. Эл севган санъаткор //Тошкент окшоми. – 2000. – 25 сент.

Панжиев Ҳ. Шукур Бурҳон абадияти //Ватанпарвар. – 2010. – 29 янв.

Пўлат Мўмин. Шукур Бурҳон, Шукур Бурҳон...: шеър //Театр. – 2000. – № 4. – Б. 14.

Раҳматуллаева Д. Шукур ака қайта туғилмас: хотира //Қишлоқ ҳаёти. – 2000. – 1 дек.

Рўзиматов Ҳ. Саҳнамиз сардори: “Нашёл, нашёл”; Бўқадаги унутилмас учрашув; Шукур аканинг армони //Халқ сўзи. – 2000. – 4 нояб.

Саъдуллаева Я. Оташ эди юраги...: [Ёднома] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2006. – 8 сент.

Саъдуллаева Я. Шукур Бурҳон тўғараги: [Мазкур устоз ҳақида хотиралар] //Театр. – 2007. – № 3–4. – Б.36–37.

Тожибоев П. Шукур Бурҳоннинг овози //Ишонч. – 2009. – 30 июль.

Токтош Рафаэл. Олтин саҳифа: [Шукур Бурҳоновни эслаб] //Театр. – 2001. – № 1–2. – Б. 22–23.

Умаров Э. Саҳна ортидаги ҳаёт: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳоновнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида] //Шарқ юлдузи. – 2004. – № 3. – Б. 125–130.

Умаров Э. Саҳнада яшаш керак...: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳон ўғитлари] //Театр. – 2005. – № 4. – Б. 34.

Умаров Э. Шукур Бурҳоннинг армони: [Ўзбекистон халқ артисти, театр ва кино актёри ҳақида хотира] //Моҳият. – 2003. – 18 июль.

Умаров Э. Шукур Бурҳон арчалари: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳоновни хотирлаб] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2005. – 11 март.

Холмирзаев Б. “...Театр санъатининг қитъаси”: [Ёднома] //Шарқ юлдузи. – 2005. – № 1. – Б. 147–149.

Қодиров М. Саҳна сардори: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳонов ҳақида] //Театр. – 2007. – № 1. – Б. 9–15.

Ҳайдаров Р. Хотира кечаси: [Ўзбекистон халқ артисти Шукур Бурҳоновга атаб ўтказилган хотира кечаси ҳақида] //Тошкент оқшоми. – 2005. – 20 сент.